

БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти

41 Резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли эътиборга олинган. Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида кўриб олинган.

Хужжатда Бош Ассамблея минтақда мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саясий-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан кўриб олган ҳолда, резолюция бундай

маслаҳатлашувлар платформасидан минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Хужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк саммити ўтказилгани эътиборга олинган.

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва иқтисодий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақда замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги кўриб олинган.

Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва иқтисо-

дий-иқтисодий тараққиётга қўмаклашишга қаратилган биргаликдаги саясий-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатда тинчлик ва муроСага эришиш мақсадида жорий йил март ойида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти кўриб олинган.

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, жамғарма ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан қўзда тутилаётган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқулланиши ва қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юриятган очик, оқилона ва кон-

структив ташки сийсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши кўшничлик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши кўшничлик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва анъаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташки сийсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиёни ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир яхлит жипслашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент, 2018 йил 23 июнь

41 Таъкидланганидек, университетга бу йилги қабул соддалаштирилган механизми билан ажралиб туради. Яъни, абитуриент ўзи яшаб турган ҳудудда орттича қоғозбозлик ва оворгарчиликларсиз ҳужжат топшириши мумкин. Бу Адлия вазирлиги ҳузурда ташкил этилган Давлат хизматлари агентлигининг 201 та туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

БУ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Хорижий давлат фуқароси бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга 16 ёшдан ошган абитуриентлар бакалаврият таълим йўналишига 15 июндан 15 июлга қадар, доимий турган жойидан қатъи назар, ўзи хоҳлаган туман ёки шаҳардаги давлат хизматлари марказига ҳужжат топшириши мумкин. Бунда паспорт, ўрта (11-синф), ўрта-махсус ёки касб-ҳунар ўқув муассасасини тугатгани тўғрисидаги ҳужжат (иловаси билан) ҳамда агар мавжуд бўлса, имтиёз тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилади. Маълумотлар тўғрисида Давлат тест марказининг махсус «Абиту» базасига электрон шаклда жойлаштирилади. Давлат хизматлари маркази ходими урни расмийлаштириб бўлган, икки нусхада бланкага чоп этиб, бир нусхасини абитуриентга беради. Ҳужжатларни қабул қилиш хизмати мутлақо бепоул амалга оширилади.

РУХСАТНОМА ОЛИШ ВА ИМТИҲОНГА КИРИШ ТАРТИБИ...

– Авваллари абитуриентнинг ўз ўрнига бошқа бировни киритиш, рухсатномалар ва ҳужжатлардаги суратларни алмаштиришга уриниш ҳолатлари учраб турарди, – дейди Қабул комиссияси масъул котиби Отабек Бобононов. – Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилда қабул комиссияси томонидан абитуриентларга Давлат хизматлари маркази орқали берилган бланка текширилади ва махсус сканер ёрдамида уларнинг паспортдаги биометрик маълумотлар ҳамда бармоқ излари олинади. Шундан сўнг унга рухсатнома топширилади.

Олий таълимга қабул:

ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Дарвоқе, рухсатномани олиш учун абитуриент 29-31 июль кунлари университетнинг қабул комиссиясига шахсан мурожаат этиши шарт. Шундан сўнг 1-15 август кунлари бўлиб ўтадиган тест синовларига кириш жараёнида олинган биометрик маълумотлари текширилиб, бармоқ излари идентификация қилинади.

ИМТИЁЗ КИМЛАР УЧУН?

Ҳуқуқий саводхонликка, юридик билимга эга бўлишни кўпчилик истайди. Хусусан, чет эл фуқаролари, имконияти чеklangан шахслар ва шу каби айрим чекловлар мавжуд бўлган ҳолатларда фуқаролар учун қандай имтиёз ҳамда қулайликлар мавжуд?

– 2018 – 2019 ўқув йилидан бошлаб ногиронлиги бўлган абитуриентларга қабул квотасидан ташқари квотанинг 2 фоизи (12 нафар, Камида умумий баллининг 30 фоизини олган бўлса) миқдорда давлат гранти асосида жой ажратилиди, – дейди Адлия вазирлиги ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Қанязов. – Ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида улар учун барча шарт-шароит мавжуд. Қабул комиссияси таркибига ногиронлар жамияти ҳамда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ходимлари киритилган. Кўзи ожиз абитуриентлардан эса касбий (ижодий) имтиҳон қабул қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, 2018 – 2019 ўқув йилида амалдаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бўлган абитуриентларга 5 фоиз (30 нафар) давлат гранти ажратилган бўлиб, тавсиянома берилди ҳамда улар тест имтиҳонларида иштирок этади.

Хизмат вазифасини бажариш асосида вафот этган, оғир ҳалатликка чалинган, ярадор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бўлган абитуриентларга эса тавсиянома асосида қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида университетга кириш бўйича имтиёз тақдим этилди. Улар тест синовларини топширмайдилар.

Хорижий давлат фуқароларидан жорий йилнинг 15 мартдан ҳужжатларни қабул қилиш бошланган. Улар суҳбат асосида талабалikka қабул қилинади. Агар абитуриент ушбу университетга ҳужжат топшириши мақсад қилган, лекин тест синовларида белгиланган хорижий тиллар (инглиз, немис, француз тиллари)дан бошқасини ўқиган бўлса, унга имконият яратилади. Яъни, ушбу тоифадаги абитуриентлар 18 июль кунги касбий (ижодий) имтиҳонда қатнашиши ва етарли баллни қўлга киритиши мумкин.

МАГИСТРАТУРА-ЧИ?

Университетнинг магистратура йўналишида ҳам бу йил сезиларли янгиликларни кузатиш мумкин. Хусусан, ҳужжатлар электрон шаклда қабул қилиниши, квота 120 нафардан 150 нафарга оширилгани, иккинчи фандан (махсус ва чет тили) тест эмас, ёзма равишда имтиҳон олиниши, асосийси, 3 та янги мутахассислик (Хуқуқ ва бизнес, Молиявий-ҳуқуқий мониторинг, Хуқуқ ва ахборот технологиялари) жорий этилиши ва ўқитиш муддати икки йилдан бир йилгача қисқартирилгани соҳада келгусидаги самарали меҳнат қилиниши ният қилган кадрлар учун яна бир имконият бўлди.

Азъам АБУЛҲАЙОВ,
«Ishonch» мухбири

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

41 Превентив дипломатиянинг муҳим ролини тан олиб, ва шу нуктаи назардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ролини таъкидлаган, Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унга Афғонистон ҳам қўшилган, Марказий Осиё иқтисодий учун Махсус дастури доирасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни тан олган, Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бошчилигидаги Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг ва бошқа шу каби муҳим минтақавий ташаббусларнинг аҳамиятини таъкидлаган, 2017 йил 14-15 ноябрь кунлари Ашхобода бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бўйича еттинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг яқуний ҳужжатларини маъқуллаган ҳамда Марказий Осиё давлатларининг хатти-ҳаракати ва уларнинг Афғонистонни ривожлантиришга қўшган хиссасини рағбатлантирган, Кенгаш таркибидagi биринчи Марказий Осиё давлати сифатида Қозғистон раислиги даврида 2018 йилнинг 19 январидан бўлиб ўтган вазирлар даражасидаги Хавфсизлик Кенгашининг «Хавфсизлик ва ривожланиш масалаларини бирлаштирувчи йўналишдаги ишларнинг модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий шерикликни шакллантириш» мавзусидаги муозкаралари яқунларини таъкидлаган, Марказий Осиё давлатларининг террорчилик учун озука муҳитини яратадиган барча ҳолатларда таъжовубкор экстремизмга қарши самарали курашнинг муҳим шарти сифатида маърифатга фаол қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини тан олган,

2018 йил 3-4 май кунлари Душанбеда бўлиб ўтган «Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция яқунларини эътиборга олган, Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга қўмаклашувчи Жаҳон кўчманчилар йўналишининг мунтазам ўтказилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, 1. Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашга қўшган хиссаси ва шу йўлдаги хатти-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлайди; 2. Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган минтақавий хатти-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашни маълум қилади; 3. Минтақда барқарорлик ва изчил ривожланиш йўлидаги таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, улар билан халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги янада яқин ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликни тақозо этади ва айни пайтда ушбу хавфларни минтақавий ва халқаро ташкилотлар иштирокида бартараф этишда минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлайди; 4. Минтақа давлатларини минтақда ва унинг ҳудудидан ташқарида тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида давлат раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувлари платформасидан ва бошқа анжуманлардан самарали фойдаланишга даъват қилади; 5. Марказий Осиё мамлакатларининг «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференциянинг яқуний қўмондонлик баён қилинган ташаббусларини амалга ошириш йўлидаги фаол ҳам-

корлигини қўллаб-қувватлайди; 6. 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи саммитини қўлайди; 7. Туркманистон томонидан 2018 йилда Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси иштирокида давлатлари саммити ўтказилишини маъқуллайди; 8. Марказий Осиё давлатлари томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёни ва иқтисодий-иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ва ушбу давлатларнинг минтақавий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлайди ҳамда Қобул жараёнининг Афғонистон бўйича тинчлик ташаббусларини амалга оширишнинг асосий форуми ва воситаси сифатидаги муҳим аҳамиятини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятининг Афғонистон раҳбарлиги остида тинчлик ва келишувга эришиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича жорий хатти-ҳаракатлари доирасида бошқа минтақавий ва халқаро конференциялар, жумладан, Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференциясининг аҳамиятини таъкидлайди; 9. Минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамиятини кўриб олган ва ушбу мақсадда қисқа вақтда ўзаро фойдали ва узок муддатли барқарор механизмларни ишлаб чиқиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилишига даъват қилади; 10. Аззо давлатларини Марказий Осиё мамлакатларининг Орол денгизи қурилишига экологик ва иқтисодий-иқтисодий оқибатларини юмшатишга йўналтирил-

ган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват қилади; 11. Марказий Осиё давлатлари ўртасида маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш асосида ва факулдада вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш мақсадида яқин кўшничлик ва дўстона муносабатларининг янада мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлайди; 12. Марказий Осиёнинг бепоён ҳудудда замонавий транспорт тизимини яратишнинг муҳимлиги ва барқарор ривожланиш ҳамда одамлар, товар ва хизматлар эркин ҳаракатланишининг энг зарур шартларидан бири сифатида минтақанинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш аҳамиятини кўриб олган; 13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказига тегишли минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда превентив дипломатияни рағбатлантириш бўйича ўз мандати доирасида минтақда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини давом эттириши тавсия қилади; 15. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлари ва умуман халқаро ҳамжамиятнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги хатти-ҳаракатларини маъқуллайди.

26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланиши қарши кураш кунини

... Ўшанда сен ўн тўрт ёшда эдинг. Ота-онанг хорижга ишга кетиб, ёши саксондан ошган буving билан қолгач, мактабга кеч бориб, эрта қайтадиган, кўчада санғиб юриб, уйга ярим кеча кириб келадиган, бунинг устига ҳали унга, ҳали бунга пул сўрайдиган одат чиқардинг. Кўп ўтмай қўлингга папирос пайдо бўлди, устига-устак ўзинга ўхшаш тақсалтанг ўртоқларингни уйга етказиб келишинг, мусиқани варанглатиб қўйиб, улар билан валақлашиб ўтиришинг ҳаммасидан ошиб тушди.

Бу ишларнинг яхшиликка олиб бормаслигини ётиги билан тушунирмоқчи бўлган буvingнинг жеркиб ташлашинг. Шу ёшга кириб, ўғилдан эшитмаган ҳақоратни набирандан эшитган шўрлик буving ноилж мактабга йиғлаб борди. У ерда эшитмаган гапинг қолмади. Директор каттик танбех берди. Тартиб-интизомли бўлиб, яхши ўқишга сўз бердинг. Қўшимча дарсларга жалб этилдинг. Болалар инспектори эса ҳаммасини назорат қиладиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида мактабда «Йеҳвандлик – аср вабоси» мавзусида катта тадбир ўтказилиб, унда сен ҳам иштирок этдинг. Барча қатори ички ишлар ходимлари-ю шифокорларнинг гоят тасвирилы марбузаларини

тинглаб, ўйлаиб қолдинг. Намойиш этилган ҳужжатли фильмдаги даҳшатли лавҳаларни кўриб, қалбинг дарзага келди. Дунё миқёсида гиёҳванд-

ёҳвандлик оқибатида келиб чиққан касалликлардан кўз юммоқда. 1,6 миллион нафари орттирилган иммунитет

Бир чимдими умрни завоЛ қилади

лиқ исканжасига тушганлар 15 дан 35 ёшгача бўлиб, уларнинг сони 200 миллиондан ошганлигини, ҳар йили 100 миңдан орттиқ гиёҳванд ҳаёт билан видолашаётганлигини эшитганингда титраб кетдинг. Мана бу рақамлар эса сени ҳам, бошқаларни ҳам бефарқ қолдирмади: «Ҳар йили дунё аҳолисининг 200 миңдан ортиги яна ги-

танкислиги касаллигига, 7,2 миллион киши гепатит С, 1,2 миллион одам гепатит В вирусига гирифтор бўлмоқда. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликларга йўлликлар сони дунё бўйича 30 миллионга етди. Уларнинг ичиди миллион-миллион ўсимрлар бор». Ҳўш, даҳшати бу? Даҳшат! Кўрдингми, қинодаги йигит-қизлар ай-

нан 12-14 ёшдан папирос чека бошлаб, кейин гиёҳвандлик қармоғига илингилар. Улар ҳам яхши ўқишлари, яхши мутахассис бўлиб, бахтли яшашлари мумкин эди-ку! Афсуски, бу бахтсизликни уларнинг ўзлари танлашди. Уй ва мактабдан қочиб кетиб, нимага эришдилар? Дарбадарлик, дайдилик, ўғрилик, гиёҳвандлик, қамок, касалхона... Ота-оналари, кў-

воке, энди бунинг аҳамияти ҳам, фойдаси ҳам йўқ. *** Билиб турибман, менинг даъватим сенга ёқинирамади. Лекин эсдан чиқармагинки, бугун сўнгги кунларини, балки сўнгги дақиқаларини яшаётган дунёдаги миллионлаб гиёҳвандлар босилган нотўғри қадам туфайли шу аҳволга тушишган. Сенга яна бир

*** Бугун дунёнинг барча мамлакатларида гиёҳвандликка қарши кенг қўламли тадбирлар ўтказилиб, оқ ажалга қарши ҳамжихат бўлиб курашилади. Унинг ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир жамият ва ҳар бир давлат учун нихоятда ҳавфли эканлиги широрлар-у мурожаатлар, шеърлар-у қўшиқлар, спорт ўйинлари-ю саҳна асарлари орқали фош этилиб, гиёҳвандликка қарши миллионларга юзлаб миллионлар қўшилиб, миллионлар овози баралла янграйди. Бу қудратли сафда сен-у мен – бутун Ўзбекистон халқи ҳам бор. Шiorимиз битта: «Гиёҳванд моддаларнинг бир чимдини ҳам ҳаётимизга яқинлаштирмаймиз!» Даъватимиз битта: «Бизнинг мамлакатимизда гиёҳвандликка ўрин йўқ!» Қароримиз: «Гиёҳвандликка қарши кураш менинг, сенинг, ҳаммамизнинг бурчимиз!» Мақсадимиз: «Гиёҳвандлик ёт бўлган соғлом жамиятда яшаш!»

Нуриддин ОЧИЛОВ

Чиял қишлоғининг таърифни юртимизда эшитмаган одам кам топилди. Чунки Қашқадарё воҳасининг Чироқчи туманида жойлашган ушбу қишлоқнинг ўзига хос сифатлари талайгина: меҳнатсевар ва меҳмондўст, ишбилармон одамлари, мазаси оғизда қоладиган «яхна» таоми, донғи кетган «Пайшанба бозори»...

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ЧИЯЛ

Чияли бозорига яқин ойларида бормасан киши уни танимаслиги аниқ. Чунки бозор янгидан қурилмоқда. «Обод қишлоқ» дастури асосида қишлоқда улкан ўзгаришлар амалга оширилади.

Вилоятдаги йирик қишлоқлардан бири бўлган Чиялдаги тўққизта

фаолият олиб бормагани учун келувчи болалар сони юз нафардан ошиб кетди. Аммо имкониятимиз чегаралангани сабабли, уларнинг кўпчилигини ортга қайтаришга мажбур бўлдик. Иштиёқимиз устун келиб, уйимиздан боғча очган бўлсак-да, хали қилинажак ишлар бисёрлигини тушуниб ет-

бу ерлик шижоаткор тадбиркорлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Масалан, Тўқмор маҳалласида яшовчи Шамсиддин Сувонов аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида қурилиш моллари бозорини ишга туширди.

– Бозор бизга ҳар томонлама қулайлик туғдирди, – дейди Чувуллоқ маҳалласида яшовчи нуроний Ниёзмурод Умбаров. – Энди ҳар қандай қурилиш материалларини шу ернинг ўзидан харид қилавера-

цеги ва кўп тармоқли дўконларимиз қурилишини тугаллашни ният қилганмиз, – дейди тадбиркор режалари билан ўртоқлашар экан.

Шу қишлоқлик яна бир ишбилармон Алишер Жабборов дўкон, тикув цехи ҳамда сунъий қопламали футбол майдонини ишга тушириш арафасида. Тадбиркор Воҳид Давлатовнинг ҳам режалари бисёр. У қишлоқ ўртасидаги Қумдарё кумидан «брусчатка» тайёрланадиган цех

бий кўриқдан ўтказилгани ҳам қишлоқликлар кўнглини шод қилди.

– Турли тиббий муассасалардан келган мутахассислар салкам эллик минг нафарга яқин фуқаронинг саломатлигини текширишди, хасталиги борларга биринчи ёрдам кўрсатилиб, зарур йўланма ва тавсиялар берилди, – дейди худуддаги 62-онлавий поликлиника шифокори Боймирза Эшмир-

ишга юборилиши муаммони би-

роз юмшатиши мумкин. Кадрлар етишмаслиги хақиқатдан ҳам долзарб муаммо.

Боймирза дўхтирнинг гапларида жон бор. Аввало, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртига кирадиган, билимли ёшлар кўпайиши керак. Чунки бошқа жойдан келиб ишлайдиган мутахассислар бари-

ХУДУДА ЯШОВЧИ ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ МАХСУЛОТЛАРИГА МУҲТОЖ НОГИРОНЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛИБ, УЛАРГА ТАЛОН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН МУДДАТ БЕЛГИЛАНДИ.

бир эртами-кеч ўз худудида қайтиб кетиши ҳаёт хақиқати-ку...

Дастур доирасида аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида Чироқчи тумани ҳокимлиги, Халқ қабулхонаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида сайёр қабуллар ўтказилиб, долзарб масалалар ечим топаётгир.


Аҳолига газ баллонлари тарқатиш, уй-жойларни хатловдан ўтказиб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, қишлоқ йўлларини кенгайтириш, биометрик фуқаролик паспорти олмаган фуқароларнинг янги ҳужжат олишида энгилдиклар яратиш ва кўмаклашиш жараёнлари давом этмоқда.

– Ўзим ва уч нафар келинимнинг паспорти алмаштирилмаган эди, – дейди Уймувот маҳалласида яшовчи 62 ёшли онахон Саломат Аҳмедова. – Янги паспорт олиш учун туман марказига бориб, кун бўйи навбатда туришимиз лозим эди. Чиялда ташкил этилган «Паспорт бўлими»да эса ишимиз осон ва тез битди...

Бундан ташқари, Чиял худудида яшовчи протез-ортопедия махсулотларига муҳтож ногиронларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларга талон расмийлаштириладиган муддат белгиланди.


Ёшим 65 да, – дейди пенсионер Эшмамат Эргашев. – Оёғимга протез пойабзали ҳамда болдир протези олиш учун ариза бергандим. Аввалгиси эскириб қолганди. Буни карангки, мени қийнаётган муаммога тезлик билан ечим топилди...

Хуллас, Чиял қишлоғида барча эътибор аҳоли фаровонлиги ва обод турмуш тарзига эришишга қаратилган. Ўтаётган ҳар бир кунда бу ерда сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар Чиял қишлоғи келажига хизмат қилади.



Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Чирой очаётган



маҳаллада 62 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ улкан қурилиш майдонига айланган.

Эътиборли жиҳати, қишлоқ аҳоли ободлик тадбирларида фаол қатнашаётир. Ҳар ким ўз уйи ва ховлиси атрофини саришталаш ҳаракатида.

Уймувот маҳалласида яшовчи эр-хотин ўқитувчилар Эркин Сафаров ҳамда Дилором Турсунова юртимиздаги янгиликлардан илҳомланиб, ўз уйида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишганини аймак-сизми!

– Президентимизнинг болаларни мактабга сифатли тайёрлаш ҳақида қўйиб-ёниб гапирганлари, қолаверса, сўнгги йилларда, Чиялда, малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ошиб кетиши, кадрлар етишмаслиги бизни нодавлат мактабгача таълим муассасасини очишга ундади, – дейди Дилором опа. – Хусусий боғчамизда ҳозирча эллик нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Одатий машқлардан ташқари уларга рус ва инглиз тилларидан сабоқ берилди. Чиялда ҳозирги кунгача на давлатга қарашли, на нодавлат мактабгача таълим муассасаси

дик. Банкдан камроқ фоизли кредит олиб, муассасамизни кенгайтириш ниятидамиз.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида қишлоқдаги эскирган симёғочлар олиб ташланиб, ўрнига янги бетон устунлар ўрнатилди. Биз фойдаланаётган симёғочлар ҳам абгор холга келиб қолган. Қанийди, мактабгача таълим муассасамизга янги «линия» тортилса...

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Чиялда 3-7 ёшли болалар 5435 нафарни ташкил этади. Жорий йилда 10 та (битта давлат, 9 та нодавлат) мактабгача таълим муассасасини очиб режалаштирилган.

Агар бу лойиҳа амалга ошса, 485 нафар бола таълим муассасасига камраб олинади ва 77 та янги иш ўрни яратилади.

«Обод қишлоқ» дастурининг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари ортда нафақат аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, шунингдек, бунга асос бўладиган янги иш ўринлари яратиш ҳам турганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Кези келганда, йўналишида сезиларли силжишлар борлигини таъкидлаш жоиз. Муҳими,

миз. Узоғимиз яқин бўлиш билан бирга техника харажатлари ҳам камайди...

Тадбиркор яна бир нечта дўконларни ишга тушириш арафасида. Озиқ-овқат дўкони, тикув цехи, аҳолига маърифат тарқатадиган



китоб дўкони фаолияти йўлга қўйилса, бир неча одам ишли бўлади.

Чувуллоқ маҳалласида яшовчи тадбиркор Ўқтам Шодмонов ҳам дўконлар мажмуаси қуриш ишларини бошлаб юборган.

– Ватанимиз мустакиллигининг 27 йиллиги байрами олдидан тикув

фаолиятини йўлга қўймоқчи...

Яхши яшаш учун инсонга тинчлик, обод уй, ҳаётига мазмун ва барак киритадиган иш жойи ҳамда ўзи ва оила аъзоларининг сихат-саломатлиги зарур. «Обод қишлоқ» дастури доирасида икки ой давомида қишлоқ аҳолисининг тиб-

заев. – Тиббий кўрик натижаларига кўра, аҳоли ўртасида ошқозон-ичак, буйрак, жигар, ўт копи касалликлари кўпроқ учраши кузатилди. Шунингдек, яқин қариндошлар никохи натижасида ногирон болаларнинг туғилиши содир бўлаётгани ҳам аниқланди.

Оилавий поликлиникамиз 28 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Аслида 2000 нафар кишига бир нафар умумий амалиёт шифокори хизмат кўрсатиши керак. Бизда эса 28 минг аҳолига икки шифокор қараймиз, холос. Пенсияга чиққан бўлишимга қарамай «Мутахассис йўқ», деб қақириб олишди.

Ўйлайманки, Президентимизнинг тиббиёт соҳасига катта эътибор қаратаётгани, олий ўқув юртида тахсил олаётган ёшларнинг йўланма билан қишлоқларга

Ҳикмат

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.*
Алишер НАВОЙИ

Жисмоний шахслар томонидан айрим товарларни божхонадан олиб ўтиш нормалари тасдиқланди

2018 йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автотўлов (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдорий нормалари тасдиқланди.

Рўйхатдан асосан 20 турдаги маиший техника буюмлари ва офис техникалари жой олган бўлиб, эндиликда уларни 1 календарь ойида чегарани биринчи марта ба кесиб ўтаётганда фақат 1 дондан олиб ўтилиши мумкин.

Шунингдек, рўйхатда бошқа турдаги товарлар учун ҳам нормалар белгиланди. Яъни, эндиликда ҳар кун олиб ўтиладиган ҳар бир номдаги товардан 2 кг.гача рухсат этилади. Аммо мазкур товарларнинг умумий оғирлиги 10 кг.дан ошмаслиги керак.

Ушбу товарлар сирасига Президентимизнинг 2018 йил 6 февралдаги «Жисмо-

янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидаги темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона чегарасини кесиб ўтганда – 1000 АҚШ доллари миқдоринда ҳамда автомобиль йўли (пидедалар йўли) ўтказиш пунктлари орқали божхона чегарасини кесиб ўтганда – 300 АҚШ доллари миқдориндаги товарларни божхона тўловларисиз олиб киришга рухсат этилган.

Товарларни божхона тўловлари тўла-масдан олиб ўтишнинг миқдорий нормалари жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини чегара ўтказиш пунктдан белгиланган даврда биринчи марта ўтишида қўлланилади. Бунда божхоначилар чегара хизматлари органлари томонидан жисмоний шахсининг паспортига қўйиладиган белгидаги санага асосланилади.

Рўйхатда қайд этилган ҳар қандай товар белгиланган норма ва даврийликдан ортик олиб ўтилганда ўрнатилган тартибда божхона тўловлари ундирилади.


Таъкидлаш жоизки, мазкур нормалар 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўлла-

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автотўлов (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдорий нормалари

№	Товарларнинг номи	Сони	Даврийлик
1.	Совуткич	1 дона	1 календарь ой
2.	Музлаткич	1 дона	1 календарь ой
3.	Кондиционер	1 дона	1 календарь ой
4.	Қир ювиш машинаси	1 дона	1 календарь ой
5.	Чанг юткич	1 дона	1 календарь ой
6.	Газ плитаси	1 дона	1 календарь ой
7.	Электр плита	1 дона	1 календарь ой
8.	Телевизор	1 дона	1 календарь ой
9.	Микротўлқинли печь	1 дона	1 календарь ой
10.	Духовкали печь	1 дона	1 календарь ой
11.	Электр гўшт қиймалағич	1 дона	1 календарь ой
12.	Дазмол	1 дона	1 календарь ой
13.	Фен	1 дона	1 календарь ой
14.	Ошхона комбайни	1 дона	1 календарь ой
15.	Телефон аппарати, шу жумладан, қўл телефони	1 дона	1 календарь ой
16.	Компьютер техникаси	1 дона	1 календарь ой
17.	Принтер ва кўп функцияли офис қурилмаси	1 дона	1 календарь ой
18.	Планшет компьютер	1 дона	1 календарь ой
19.	Ноутбук	1 дона	1 календарь ой
20.	Ошхона идиши	1 тўплам	1 календарь ой
21.	Бошқа товарлар	Ҳар бир номдаги товардан 2 кг, аммо умумий оғирлик 10 кг.дан ошмаслиги керак	1 кун

Давлат божхона қўмитаси
Ақборот хизмати

Президент таширидан сўнг...



Ҳадис илмининг султони, дея ном олган буюк бобоколониимиз Имом Бухорий ҳазратлари мангу қўним топган масканда улуғ ишлар амалга оширилмоқда.
Буюк муҳаддис маҳобатига монанд бўлажак

2017 йил 27 мартда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадкикот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Ҳатта 14-15 апрель кунлари давлатимиз раҳбарининг Самарқандга ташрифи мобайнида халқаро илмий марказ қурилиши ҳақида топшириқ берилди. Бир йилдан зиёд муддат мобайнида Пайарик туманида буюк муҳаддис номи билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ёнида марказ бунёд этилмоқда.

Мажмуанинг умумий жойлашуви ер майдони 60,4 гектарни ташкил этиб, худуд тўлиқ реконструкция қилинади. Шу пайтга қадар 6 гектар майдонни эгаллаган марказ худудидида ҳадисшунослик мактаби, мактаб тингловчилари учун ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш мажмуалари қуриб битказилди. Марказга ёндош тарзда 3 та 18 хонадонга мўлжалланган уч қаватли турар жой қуриб битказилди. «Оқдарё-Қўлбости» автомобиль йўли бўйида 62 та миллий кўринишдаги 2 қаватли турар жойлар қад ростлади. Зиёратчиларига қулайликлар яратиш мақсадида 164 та турар жой, 30 та нотурар жойлар бошқа манзилларга кўчирилди.

Буюк олим шарафига амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 17-18 март кунлари давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифи чоғида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларни яна бир бор назардан ўтказди. Мутасаддиларга пухта ўйланган лойиҳалар ишлаб чиқиш, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш топширигини берди.
Мажмуки, юртимиздан кўпдан кўп алломалар етишиб чиққан. Улар меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва

кељажак авлодларга етказиш – буюк вазифа. Мазкур мажмуа кељажакда боболар меросини ўрганиш ва тадқиқ этишда яхлит бир марказ бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.
Халқаро талаблар даражасида реконструкция қилинаётган мажмуа кељгусида мамлакатимиз туризмини ривожлантирадиган гўшалардан бири бўлиб қолишига ишонамиз.
Ифтихор РАҲИМОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

БОБ ФАРҒОННИЙНИ ИЗЛАБ...
Боб Фарғоний ҳақида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»дан маълумот тополмаймиз. Ҳозирча бизга маълум ягона манба – бобоколониимиз Алишер Навоийнинг шайхлар ҳақидаги «Насойим ул-маҳаббат мин шамоим ул-футувват» тазкираси. Шу биргина далилнинг ўзи ҳам улуғ шоир ва мутафаккир мероси миллий ўзлгимизни англаш учун нақадар муҳимлигини билдиради.
Маълумки, Навоийнинг «Насойим ул-маҳаббат...»и устози ва пири бўлмиш Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» тазкирасидан айрим ўзгариш ва қўшимчалар билан амалга оширилган асар ҳисобланади.
Аммо «Нафаҳот ул-унс...»да Боб Фарғоний

«Насойим ул-муҳаббат...»да бу сўз неча бор ишлатилганини қайси маъноларда қўлланганини кўриб ўтишга тўғри келади. Келтирилган парчанинг ўзидаёқ Навоий: «Ул ерда улуғ машоихни «Боб» дерлар», деган жумла орқали Фарғона тарафларда авлиё кишилар «Боб» дейилишини таъкидлаб ўтган.
Хўш, шайхлар факат Фарғонадагина «Боб» дейиладими?
Қизиқ жиҳат шундан иборатки, Рум, яъни Туркияда ҳам, худди фарғоналикларга ўхшаб, шайхларни «боб» дейишар экан. Бу ҳақда «Насойим ул-муҳаббат...»нинг Қози Ҳамидулло Ногурий ҳақидаги фикрасида ўқиймиз: «Ҳамоно андоқки, кўпрак акобирни Хуросонда «шайх» дерлар ва Самарқандда «хожа» ва Румда «боб» ва Ҳиндда «қози» дерлар».

ган 17 нафар шайх ҳақида маълумот бор.
СОҲИБИ ҚАРОМАТ
Боб Фарғоний ҳақида келтирилган шу қисқалгина матнда унинг бир неча қаромати баён этилган.
Биринчисини X асрда яшаган Абдуллох Ансорий Шайх Амунинг сўзлари асосида баён этади. Шайх Аму бир кун унинг қошида ўтирганида бирор кириб: «Сарқаб келди, бир дуо қил», – дейди. Сарқаб мамлакатга зарар етказиб юрган босқинчи эди. Бу пайтда Боб Фарғоний ўчоқ кирғоғида ўтирган эди. У ўчоқ кирғоғидаги офтобани бир тепиб, пастга кулатибди-да: «Уни йиқитдим», – дебди. Ўша захоти Сарқаб шаҳар дарвозаси олдида отидан боши билан йиқилиб, бўйни синиб, ҳалок бў-

асрда тутилган», деган фикрга келишибди. Бу – ҳақиқатга яқин.
Хожа Аҳмад Ясавий 1166 йили вафот этган. Боб Фарғоний ҳинд шайхларидан бўлмагани каби, ясавия шайхларидан ҳам эмас. Боб Фарғоний – кибор, яъни улуғ, бошқача айтганда, исломнинг дастлабки асрларида яшаб ўтган шайхлардан бири.
Навоийдан келтирилган парчани батафсил таҳлил қилсак, бу саволга ҳам жавоб топамиз.
ПОПНИНГ МАЪНОСИ АЖДОДИМИЗГА БОҒЛИҚМИ?
Таниқли адабиётшунос Зухриддин Исмониддиннинг ёзишича: «Одатда киска, бир бўғинли сўзлар ва жойлар номлари (Уш, Чуст, Поп...)нинг этимологиясини изохлаш жуда қийин». Чиндан ҳам, шундай.
Бирок «Поп» сўзининг этимологиясини учун қалит топиладими?
Улуғ авлиёлар ҳамма замонларда юртнинг фахри ҳисобланган. Кейинги авлодлар шу шайх яшаган ёки дафн этилган маконни улуғлаб, айнан унинг номи билан атаб кетаверган. Масалан, Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур, Тошкент вилоятидаги Зангиота туманлари айнан ана шундай миллий анъанамизга амал қилган ҳолда номланган.
Поп туманининг номи ҳам Боб Фарғонийга боғланса, не ажаб. Боиси шуки, «Б» жарангли ўндўши тилимизда осонгина жарангсиз «п»товушига айланиб кетаверади. Масалан, «мактаб»деб ёзамиз, «мактап» дея талаффуз этамиз; «дебди» деб битамиз, «депти» деб айтамыз. Яна бир далил: Бухоронинг Қорақўл туманидаги «Бойкент» калъаси талаффузда «Пойкент» бўлиб кетганини кўпчилигимиз биламиз.

Анжуман
Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоирли, таржумон Тилоберган Жумамуратов таваллудига бағишлаб адабий анжуман ўтказилди.
Унда ёзувчи, шоирлар, адибнинг шоғирлари, оила аъзолари иштирок этди.

Боб Фарғоний ким бўлган?

ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Демак, бу шайх ҳақидаги парчани Навоийнинг ўзи кўшган. Англашилмаптики, Жомийнинг ўзи тўғрисидаги батафсил фаслини ҳисобга олганда, Навоий уч тоифа шайхлар ҳақида маълумотлар кўшган: биринчиси – Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё»сидан Жомий тушириб қолдирган кибор шайхлар, иккинчиси – ҳинд шайхлари, учинчиси – ясавия шайхлари.
Хўш, Боб Фарғоний ана шу гуруҳлардан қай бирига мансуб?
Бу саволга жавобни тазкирадаги мазкур шайх ҳақида келган матннинг ўзидан излаймиз.

Бу тазкирада Хожа Аҳмад Ясавийга кичиклигида тарбия берган яна бир шайх, яъни Боб Ҳусайн тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтилади.
Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Бозоркўрғон тумани худудидида Арслон Боб деган шайхнинг қабри бор. Бу ер муқаддас зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, Арслон Боб XI асрда яшаган, Хожа Аҳмад Ясавийнинг дастлабки пири бўлган. Бу маскан унинг номи билан аталади, бу ердан оқиб ўтадиган сой «Арслонбобсой» дейилади.
Халқ тилида бу авлиёни «Арслон Боб Ота» ҳам дейишади.
Шайхларни «боб» дейишда сўзининг қайси маъносига суяниланган? Буни илман аниқлаш керак. Тилда «боб» шаклига эга бир неча сўз бўлган, яъни бу омоним шакл ҳисобланади. Шунга қўра, ҳозирча қуйидаги баъзи тахминларимизни баён этишимиз мумкин, ҳолос:


либди. Қарғишнинг зўри шу бўлса керак-да.
Иккинчиси ҳам бундан кам эмас. «Кашф ул-мажжуб» деган китоб ёзган Али ибн Усмон ибн Али Жало Газнавий Боб Фарғоний зиёратига келади. Пир ундан: «Не ишга келибсен?» – деб сўрайди. У: «То шайхни кўрганим – суврат билан андин назаре топқаймен – шафқат билан», – дейди. Шунда пир унга: «Эй ўғул, мен фалон кундан бери сени кўраман, ҳисоблаб чиқсам, аввалги ҳаёт тарзимдан тавба қилиб, тасавуфга кирган кунимдан то ҳозиргача сени менга кўрсатишди», – дейди. Аён бўладики, бу шайх йиллар ўтганидан кейин кўражак одамни руҳан олдиндан билган.
Мантиқан олиб қараганда, Али ибн Усмон ибн Али Жало шу пирни кўриш учун хозирги Афғонистоннинг Фазна шаҳридан Попола келган. Шунинг учун пир унга: «Эй ўғул, йироқ йўл қатъ қилмоқ (босиб ўтмоқ) ўғлонлар ишидур. Мундин сўнгра зиёратни химмат билан қил! Шахс анга қари қилмаски, они зиёрат қилғайлар ва ашбоҳ зуҳурига (ўхшашликнинг намоён бўлишига) ҳеч нима боғлиқ эмас», – дейди.
Учинчиси шундан иборатки, ана шу фазналик меҳмон келганда авлиёга: «Улча бор, олиб келки, дарвеш есун!» – деб буюради. Хотини бир товоқ тоза узилган, хатто, бошида бир неча кўм-қўк барги ҳам бор узум келтиради. Қолбуки, Фарғонада барглари билан турган тоза узум узадиган пайт эмас эди.
Навоий буларни Боб Умар Фарғонийнинг соҳибқаромат авлиё эканини исботловчи далиллар сифатида келтириб ўтади.

«ОТИ УМАРДУР.
ФАРҒОНАДА БУЛУР ЭДИ»
Баъзан аждодлардан кељажак авлодларга мерос бўлиб қолган бир саҳифагина маълумот ҳам тарихимизнинг қай бир бўлагини аниқлаштириши, яшаб ўтган қайсибир бобо ва момоимиз ҳақидаги энг мўътабар манбага айланади ва кўзга тўтиё қилишга арзийди.
Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс...» тазкирасида Муҳаммад (с.а.в.) замонларидан то XV асрнинг иккинчи ярмига қадар ислом оламида яшаб, ном чиқарган 616 шайх ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат...»га яна 154 шайх ҳақидаги маълумотларни киритади. Шу кейинги тазкирада 359-шайх сифатида Боб Фарғонийга баҳо бериб ўтилади:
«Боб Фарғоний қадасаллоҳу сирраҳу.
Оти Умардур. Фарғонада бўлур эрди. Ул ерда улуғ машоихни «Боб» дерлар...»
Парчадан бу зотнинг оти Умар эканини билиб олдик. Демак, бу кишини тўлиқ ҳолда «Боб Умар Фарғоний» деб тилга олишимиз мумкин.

ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ПИРЛАРИ НОМЛАРИ МАНБАЛАРДА ҲАМ, ХАЛҚ ТИЛИДА ҲАМ, АНЪАНАГА ҚўРА, «ОТА» СўЗИНИ ҚўШИШ ОРҚАЛИ ТИЛГА ОЛИНАДИ. ПОПЛИК АВИЛЁНИНГ НОМЛАРИНИ НАВОИЙ «ФАРҒОНИЙ ОТА» ДЕБ ЭМАС, «БОБ ФАРҒОНИЙ» ДЕБ КЕЛТИРЯПТИМИ, БИЛИНГКИ, БУ КИШИ ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ПИРЛАРИДАН ЭМАС.
ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ПИРЛАРИ НОМЛАРИ МАНБАЛАРДА ҲАМ, ХАЛҚ ТИЛИДА ҲАМ, АНЪАНАГА ҚўРА, «ОТА» СўЗИНИ ҚўШИШ ОРҚАЛИ ТИЛГА ОЛИНАДИ. ПОПЛИК АВИЛЁНИНГ НОМЛАРИНИ НАВОИЙ «ФАРҒОНИЙ ОТА» ДЕБ ЭМАС, «БОБ ФАРҒОНИЙ» ДЕБ КЕЛТИРЯПТИМИ, БИЛИНГКИ, БУ КИШИ ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ПИРЛАРИДАН ЭМАС.

«БОБ»ЛАР КИМ БУЛГАН?
Ясавия тариқати пирлари номлари манбаларда ҳам, халқ тилида ҳам, анъанага қўра, «Ота» сўзини қўшиш орқали тилга олинади. Поплик авлиёнинг номи Навоий «Фарғоний Ота» деб эмас, «Боб Фарғоний» деб келтиряптими, билингни, бу киши ясавия тариқати пирларидан эмас.
Энди «Боб» сўзи бу ерда қайси маънода ишлатилганини аниқлаб олишимиз лозим. Бунинг учун

«ЗАМИННИНГ ТўРТ ҚОЗИҒИ»ДАН БИРИ
Араб тилида «автод» сўзи – «ватад»нинг қўплиги. «Ватад» ерга қоқиб, чодирнинг ипини боғлайдиган ёғоч қозикни англатади. Одатда чодир иплари тўртта қозикка боғланади. Тасавуфда дунёнинг тўрт тарафидаги тўрт авлиёга нисбатан «автод ул-Арз», яъни «Ернинг тўрт қозиги» ифодаси ишлатилади. Бунда, худди чодирни тўрт қозик ушлаб тургани каби, Ерни ҳам ана шу тўрт авлиё саклаб турибди, деган ўхшатиш бор. Навоийнинг «Кашф ул-мажжуб» асари муаллифи бўлмиш Али ибн Усмон ибн Али Жало Газнавийга суянган ҳолда далолат қилишича, Боб Фарғоний тасавуф оламида ана шундай ўта юксак шарафга эга тўрт авлиёдан бири саналади.
Ўзбекистон Ешлар иттифоқининг Поп тумани кенгаши раиси Зафар Арслоновнинг маълумот беришича, Боб Фарғонийнинг қабри – Поп шаҳрининг «Ҳазрати Боб» махалла фуқаролар йиғини худудидида. Бу ерда ўтган асрнинг бошларигача ўз ичига макбара ва бошқа биноларни қамраб олган меъморий мажмуа бўлган. Ўша даврларга гувоҳ бўлган кексалар мажмуада жуда кўп китоблар сақланганини ҳам айтишган. Бирок мустамалакчилик сиёсати даврида бу иморатлар бузиб ташланган.
Шу кунларда ана шу макбара майдонидида барпо этиладиган мажмуа лойиҳаси муҳокамаси давом этапти. Яқин кељажакда бу ер мамлакатимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айлантирилади, иншооллох.



Султонмурод ОЛИМ, филология фанлари номзоди

Юлдуздек тизилган гавҳар сўзлари...
Шоирнинг китоблари рус, қозоқ, татар тилларида нашрдан чиққан. У Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Махтумқули, Абдулла Тўқай, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов асарларини қорақалпоқ тилига маҳорат билан ўғтириб, матбуотда эълон қилган. Умар Ҳайём, Тўқтагул Сатилганов асарларининг таржималари алоҳида китоб ҳолида эълон қилинган. Ваган, дўстлик, тинчлик, инсонни эъзозлаш каби мавзулардаги лирик, насрий ва публицистик асарлари халқимизга яхши таниш. Ёшлигидан мушоираларда энгилмаслиги билан тилга тушган Тилоберган Жумамуратовни беллашиш учун қўшни давлатлардан «айтишув» усталари излаб келган. 15 ёшли ўспиринлик чоғида олдида машҳур қозоқ оқини Умбетали Қарибаевнинг атайин ташриф буюргани ва ёш истеъдодга бош эгиб, дуо қилгани ҳақидаги гапларини одамлар хали ҳам фахр билан гапириб юришади. Тил, тарих масалаларида жон қуйдириб мақолалар ёзган шоирнинг юлдуздек тизилган гавҳар сўзлари, фалсафий донишмандлиги ҳар қандай даврда ҳам қўнгилларни тўлқинлантириб яшайверади.
Тадбир доирасида шоирнинг ижодига бағишланган фотосуратлар ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.
Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Ishonch' magazine containing contact information for the publisher, subscription rates, and distribution details. It includes the name of the publisher, 'Bosh muharrir: Xusan ERMATOV', and various phone and email numbers for different regions.